

**ПАХТА СЕЛЕКЦИЯСИ, УРУҒЧИЛИГИ ВА ЕТИШТИРИШ
АГРОТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.05/30.12.2019.Qx.42.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ПАХТА СЕЛЕКЦИЯСИ, УРУҒЧИЛИГИ ВА ЕТИШТИРИШ
АГРОТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ ВА
ҚАРШИ МУҲАНДИСЛИК-ИҚТИСОДИЁТ ИНСТИТУТИ**

РАЖАБОВ ТЎЛҚИН ТИЛАКОВИЧ

**ТУРЛИ ДАРАЖАДА ШЎРЛАНГАН ТУПРОҚЛАРДА “БУХОРО-102”
ЎЎЗА НАВИНИ ЕТИШТИРИШ АГРОТЕХНОЛОГИЯСИ
САМАРАДОРЛИГИНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ
(ҚАШҚАДАРЁ ВИЛОЯТИ МИСОЛИДА)**

06.01.02 – Мелиорация ва суғорма деҳқончилик.

**ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2020

**Қишлоқ хўжалиги фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)
диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
по сельскохозяйственным наукам**

**Contents of the abstract of (PhD) doctoral dissertation of
agricultural sciences**

Ражабов Тулқин Тилакович

Турли даражада шўрланган тупроқларда “Бухоро-102” ғўза навини етиштириш агротехнологияси самарадорлигини ишлаб чиқиш (Қашқадарё вилояти мисолида)..... 3

Ражабов Тулқин Тилакович

Определение эффективности агротехнологии производства сорта хлопчатника “Бухоро–102” на почвах различной степени засоленности (на примере Кашкадарьинской области) 21

Rajabov Tulqin Tilakovich

Study of drought tolerance and salt tolerance of cotton varieties «Buxora-102» (on the example of Qashqadarya region)..... 39

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works..... 43

**ПАХТА СЕЛЕКЦИЯСИ, УРУҒЧИЛИГИ ВА ЕТИШТИРИШ
АГРОТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.05/30.12.2019.Qx.42.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ПАХТА СЕЛЕКЦИЯСИ, УРУҒЧИЛИГИ ВА ЕТИШТИРИШ
АГРОТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ ВА
ҚАРШИ МУҲАНДИСЛИК-ИҚТИСОДИЁТ ИНСТИТУТИ**

РАЖАБОВ ТЎЛҚИН ТИЛАКОВИЧ

**ТУРЛИ ДАРАЖАДА ШЎРЛАНГАН ТУПРОҚЛАРДА “БУХОРО-102”
ҒЎЗА НАВИНИ ЕТИШТИРИШ АГРОТЕХНОЛОГИЯСИ
САМАРАДОРЛИГИНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ
(ҚАШҚАДАРЁ ВИЛОЯТИ
МИСОЛИДА)**

06.01.02 – Мелиорация ва суғорма деҳқончилик.

**ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2020

Қишлоқ хўжалиги фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси
Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация
комиссиясида В2019.1.PhD/Qx364 рақам билан рўйхатга олинган.

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси Пахта селекцияси, уруғчилиги ва етиштириш
агротехнологиялари илмий-тадқиқот институти ҳамда, Қарши муҳандислик-иқтисодиёт
институтида бажарилган.

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати уч тилда (ўзбек, рус ва инглиз
(резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифанинг www.psuaiti.uz ҳамда «ZiyoNet» ахборот таълим
портали www.ziyo.net манзилига жойлаштирилган.

Илмий раҳбар: **Исаев Сабиржан Хусанбаевич,**
қишлоқ хўжалик фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар: **Норкулов Усманкул**
қишлоқ хўжалиги фанлари доктори, профессор

Шадманов Джамалиддин Казакжанович
қишлоқ хўжалиги фанлари номзоди, катта илмий ходим


Етақчи ташкилот: **Ирригация ва сув муаммолари илмий-тадқиқот
институти**


Диссертация ҳимояси Пахта селекцияси, уруғчилиги ва етиштириш
агротехнологиялари илмий-тадқиқот институти ҳузуридаги DSc.05/30.12.2019.Qx.42.01
рақамли Илмий кенгашнинг “29” 09 2020 йил соат 13⁰⁰ даги мажлисида
бўлиб ўтади. (Манзил: 111202, Тошкент вилояти, Қибрай тумани, Ботаника М.Ф.Й, ЎзПТИ
кўчаси, ПСУЕАИТИ. Тел.: (+99878) 150-62-84; факс: (99871) 150-61-37; e-mail:
rahtaуз@mail.ru)


Диссертация билан Пахта селекцияси, уруғчилиги ва етиштириш агротехнологиялари
илмий-тадқиқот институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (94 рақами
билан рўйхатга олинган). Манзил: 111202, Тошкент вилояти, Қибрай тумани Ботаника
М.Ф.Й, ЎзПТИ кўчаси, ПСУЕАИТИ.

Диссертация автореферати 2020 йил “16” 09 кун тарқатилди.
(2020 йил “16” 09 даги 1 рақамли реестр баённомаси)



**Ш.Н.Нурматов**
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
раиси, к.х.ф.д., профессор

**Ф.М.Хасанова**
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
илмий котиби, к.х.ф.н., профессор

**Д.Х.Ахмедов**
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
қошидаги илмий семинар раиси, б.ф.д.,
профессор

КИРИШ (Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти. Бугунги кунда дунёда умумий суғориладиган ерлар 480 млн гектар, йил давомида фойдаланиладиган ерлар 41 млн. гектарни, умумий суғориладиган экин майдонлар улуши Хитойда 31,5 фоиз, Хиндистонда 27,5 фоиз, АКШда 5 фоиз, Россияда 3,5 фоиз ва Покистонда 3,3 фоизни ташкил этади. Шунингдек дунёнинг 9 та давлатлари Аргентина, Австралия, Бағладеш, Козоғистон, Мянмар, Тайланд, Туркия, Ўзбекистон ва Вьетнам 1-2 фоизни ташкил этади. Республикамизда қишлоқ хўжалигига мўлжалланган 20,2 млн гектар ерларнинг атиги 20,7 фоизи суғориладиган ерлар ҳисобланади, сўнгги 15 йил мобайнида аҳоли жон бошига суғориладиган ерлар 24 фоизга, 0,23 га дан 0,16 гача камайган. Қишлоқ хўжалиги экинлари экиладиган майдонларнинг 44–46 фоизи турли даражада шўрланган¹.

Дунёда қишлоқ хўжалиги экинларини шўрланган ерларда мақбул озиклантириш тартибларини аниқловчи юқори ҳосил олишни таъминлашда ер, сув, ўғит ва ресурсларини интеграциялашган ҳолда бошқариш саъй ҳаракатлари амалга оширилмоқда. Турли даражада шўрланган ерлардан энг аввало, табиий иқлимнинг ўзгаришини инобатга олган ҳолда ер, сув, ўғит ва ресурсларни тежайдиган замонавий технологияларни ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий этиш долзарб масалалардан бири ҳисобланади.

Республикамизда қишлоқ хўжалиги экинларини етиштиришда томчилатиб, эгатга плёнка тўшаб ва ўқариклар ўрнига кўчма эгилувчан қувурлар ёрдамида суғориш технологиялари кенг жорий этилмоқда. Бунинг натижасида суғориш сувлари тежалиши, ерларнинг мелиоратив ҳолати яхшиланиши, сизот сувларининг сатҳи яқин жойлашган майдонлар камайиши ва провардида ҳосилдорликнинг ошишига эришилмоқда. Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 23 октябрдаги ПФ–5853–сонли “Ўзбекистон Республикасини қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020-2030 йилларга мўлжалланган стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”² ги фармонида муҳим вазифалардан бири қилиб белгилаб берилган. Шу жиҳатдан, республикамизда ғўза паваришлашни янада такомиллаштириш орқали маъдан ўғитлар меъёрини тежаш ва суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш бўйича илмий изланишлар ўта муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 27 ноябрдаги “2018–2019 йиллар даврида ирригацияни ривожлантириш ва суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш давлат дастури тўғрисида”ги ПҚ-3405–сонли Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 2 февралдаги “2018 йил мавсумида экин майдонларини сув билан кафолатли таъминлаш ва сув танқислигини салбий оқибатларининг олдини олишга қаратилган кечиктириб бўлмайдиган чора-тадбирлари тўғрисида”ги 74–сон қарори, 2019 йил 17 июлдаги ПФ-5742–сонли фармондаги “Қишлоқ хўжалигида ер ва сув ресурсларидан самарали фойдаланиш чора-тадбирлари” ҳамда бошқа меъёрий ҳуқуқий

¹<http://www.fao.org/docrep/018/i17928ri17928r024.pdf>.

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 23 октябрдаги “Ўзбекистон Республикасини қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020-2030 йилларга мўлжалланган стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида” ги ПФ-5853–сонли Фармони

хужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялар ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти республика фан ва технологиялар ривожланишининг V “Қишлоқ хўжалиги, биотехнология, экология ва атроф муҳит муҳофазаси” устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Республикамизнинг суғорма деҳқончилигида қишлоқ хўжалиги экинларини суғориш усуллари, тартиблари, техника ва технологияларининг тупроқнинг сув-физик хоссаларига, озика тартибига, ўсимликларнинг ўсиб-ривожланиши, ҳосилдорлиги ва унинг сифатига таъсирини ўрганиш бўйича С.Н.Рыжов, М.П.Меднис, Р.Ахмедов, С.А.Гильдиев, Ф.М.Саттаров, Қ.М.Мирзажонов, Н.Ф.Беспалов, Г.А.Безбородов, Б.Ф.Камбаров, Р.К.Икрамов, М.Х.Хамидов, А.Э.Авлиякулов, Б.С.Мамбетназаров, А.С.Шамсиев, У.Норкулов, С.Х.Исаев, Ж.К.Шадманов, М.М.Ҳасанов ҳамда хорижда D.Balla, S.Maasen, J.Andersson, B.Wedding, K.Toderski, K.M.Keinzler, A.S.Qureshi, M.Qadir, U.Umbetaev, V.P.Afanasev, V.G.Mamatov, Sh.T.Kidane, T.L.Danilova, J.P.Melkulova, V.V.Stuchkov томонидан амалга оширилган ҳамда асосланган илмий натижаларга эришилган. Лекин, Қашқадарё вилоятининг тақирсимон тупроқлари шароитида ўрта толали ғўзанинг Бухоро-102 навини маъдан ўғитларни табақалаштирилган ҳолда қўллашнинг турли даражада шўрланишга таъсирини ишлаб чиқиш ва мазкур технологиянинг тупроқнинг сув-физик хоссаларига ҳамда ғўза навининг ўсиб-ривожланиши ва пахта ҳосилига таъсирини аниқлаш бўйича илмий изланишлар етарлича амалга оширилмаган.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Пахта селекцияси, уруғчилигини етиштириш агротехнологиялари илмий-тадқиқот институтининг илмий-тадқиқотлар мавзу режасининг ҚХА-7-017-“Ўзбекистоннинг суғориладиган гидроморф тупроқларининг шўрланиш шароитида ғўза, кузги буғдой ва такрорий экинларнинг маҳсулдорлигига минерал ўғитлар самарадорли таъсирини тадқиқ этиш” (2010–2012 йй.) мавзусидаги амалий лойиҳаси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади Қашқадарё вилоятининг қадимдан суғориладиган, тақирсимон тупроқлари шароитида ғўзанинг “Бухоро-102” навини тупроқ намлиги чекланган дала нам сиғимига нисбатан 70-70-60 % сақланган ҳолда суғоришни амалга ошириб, турли даражада (шўрланмаган, кучсиз ва ўртача) шўрланган тупроқлар шароитида маъдан ўғитлар қўллаш агротехнологиясини ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари қуйидагилардан иборат:

тажриба даласи тупроғининг механик таркиби, дала нам сиғими ва тупроқ таркибидаги озика моддалар билан таъминланганлик даражасини аниқлаш;

ғўзанинг ўрта толали Бухоро-102 навини турли даражада (шўрланмаган, кучсиз ва ўртача) шўрланган ерларда маъдан ўғитлар билан озиклантиришни

тупроқнинг агрофизикавий, сув-физик ва агрохимёвий хоссаларига таъсирини аниқлаш;

турли даражада шўрланган ерларда маъдан ўғитлар билан озиклантиришда ғўзани суғориш муддати, меъёри ва сув истеъмолини аниқлаш ва даланинг сув мувозанатини ишлаб чиқиш;

турли даражада шўрланган ерларда ғўзанинг тупроқдан қанча озика моддани олиб чиқиб кетишини аниқлаш мақсадида ҳар бир вариантдан ўсув даври охирида ўсимлик намунаси олиниб, қуруқ массаси ҳамда умумий N, P, K миқдорини аниқлаш;

ғўзани турли даражада шўрланган ерларда маъдан ўғитлар билан озиклантиришни ўсимликни ўсиши-ривожланиши, ҳосил тўплаши ҳамда пахта ҳосилдорлигига таъсирини аниқлаш;

ғўзани турли даражада шўрланган ерларда маъдан ўғитлар билан озиклантиришни толанинг технологик сифат кўрсаткичи ва иқтисодий самарадорлигига таъсирини аниқлаш ва ишлаб чиқаришга илмий тавсия бериш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Қашқадарё вилоятининг суғориладиган турли даражада (шўрланмаган, кучсиз ва ўртача) шўрланган тақирсимон тупроқлари, ғўзанинг ўрта толали Бухоро-102 нави, маъдан ўғитлар олинган.

Тадқиқотнинг предмети ғўзанинг ўрта толали навини турли шўрланган ерларда парваришлаш, ғўзанинг суғориш ва сув истеъмоли, тупроқнинг агрофизикавий ва агрохимёвий хоссалари, ғўзанинг ўсиши, ривожланиши, пахта ҳосилдорлиги ва унинг технологик сифат кўрсаткичлари ҳисобланади.

Тадқиқотнинг усуллари. Дала тажрибаларини жойлаштириш ва барча ўлчов, кузатув ва ҳисоблашлар “Дала тажрибаларини ўтказиш услублари”, тупроқ ва ўсимлик тарқибдаги озика-моддалар миқдорини аниқлаш бўйича таҳлиллар “Методы агрохимических и агрофизических исследований в поливных хлопковых районах” услубий қўлланмалари асосида амалга оширилган. Пахта ҳосилдорлиги бўйича олинган маълумотлар Б.А.Доспеховнинг “Методика полевого опыта” қўлланмасидаги дисперсион таҳлил услуби ҳамда Microsoft Excel дастури ёрдамида математик-статистик таҳлил қилинган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат: илк бор, Қашқадарё вилоятининг қадимдан суғориладиган, турли даражада (шўрланмаган, кучсиз ва ўртача) шўрланган тақирсимон тупроқлари шароитида ғўзанинг Бухоро-102 навини ЧДНСга нисбатан 70-70-60% тартибларда суғориб, маъдан ўғитлар азот-220 кг/га, фосфор-160 кг/га ва калий-100 кг/га меъёрлари билан озиклантирилганда тупроқнинг агрофизикавий, сув-физик ва агрохимёвий хоссаларига ижобий таъсири аниқланган;

турли даражада шўрланган тупроқлар шароитида маъдан ўғитлар билан озиклантиришда ғўзани суғориш муддати, меъёри ва сув истеъмоли ҳамда даланинг сув мувозанати ишлаб чиқилган;

турли даражада шўрланган тупроқлар шароитида ғўза навини етиштиришда ўсимлик таркибидаги NPK микдорлари асосида маъдан ўғитлар меъёрлари ишлаб чиқилган;

ғўза навини турли даражада шўрланган тупроқлар шароитида маъдан ўғитлар меъёрлари билан озиклантиришнинг ўсимлик ўсиш-ривожланиши, ҳосил тўплаши ҳамда пахта ҳосилдорлигига таъсири аниқланган;

ғўза навини турли даражада шўрланган тупроқлар шароитида маъдан ўғитлар меъёрлари билан озиклантиришнинг пахта толасининг технологик сифат кўрсаткичлари ва иқтисодий самарадорлигига таъсири аниқланган ва ишлаб чиқаришга тавсия берилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари. Қашқадарё вилоятининг суғориладиган, турли даражада шўрланган, тақирсимон, енгил қумоқ тупроқлар шароитида ўрта толали ғўзанинг “Бухоро-102” навини маъдан ўғитлар билан озиклантиришни табақалаштирилган ҳолда амалга оширилганда вариантларга нисбатан тупроқ ҳажм массаси 0,01–0,02 г/см³ камайиб, тупроқнинг ғовақдорлиги эса 0,4–1,2 фоизгача ортиб, тупроқнинг сув ўтказувчанлиги кўрсаткичлари 5,8–24,6 м³/га гача кўпайиши аниқланган;

ўрта толали ғўзанинг “Бухоро-102” навини турли даражада шўрланган тупроқларда маъдан ўғитлар микдорини табақалаштирилган ҳолда парваришlashда шўрланиш даражасига қараб, вариантларга нисбатан 1,3–2,6 центнер кўшимча пахта ҳосили олишга, сифат кўрсаткичларидан тола узунлиги 0,1–0,2 фоизгача, тола чиқиши 0,2–0,5 фоизгача, 1000 дона чигит вазни 1–2 грамгача, вилт касаллиги билан зарарланиш даражаси эса 6,1–10 фоизгача кам бўлиши аниқланган;

ўрта толали ғўзанинг “Бухоро-102” навини турли даражада шўрланган тупроқларда парваришlashда шўрланиш ошган сари вариантларга нисбатан соф фойда 40617–1127853 сўмгача ва рентабеллик даражаси 0,8–20,1 фоизгача кам бўлганлиги аниқланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончилиги. Тадқиқот натижаларининг дала ва лаборатория усулларида фойдаланган ҳолда вариацион-статистик ишловдан ўтказилганлиги ҳамда олинган назарий натижаларни амалий маълумотларда тасдиқланганлиги, тажриба натижалари республика ва чет эл тадқиқотлари билан таққосланганлиги, тўпланган маълумотлар, ҳисоботлар Илмий кенгашларда муҳокама қилиниб, мутахассислар томонидан ижобий баҳоланганлиги ва тадқиқот натижаларини ишлаб чиқаришга жорий қилинганлиги, тадқиқот натижаларини Республика ва халқаро илмий анжуманларда қилинган маърузалар натижаларининг ишончилигини асослайди.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти иқлим ўзгариши ва маъдан ўғитларни тобора ошиб боришини илмий ёндашиб, Қашқадарё вилоятининг суғориладиган, турли даражада шўрланган, тақирсимон тупроқлари шароитида ғўзанинг ўрта толали Бухоро-102 навини парваришlashда унинг ўсиб-ривожланиши ва ҳосилдорлигига таъсири илмий асосланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти, Қашқадарё вилоятининг суғориладиган, турли даражада шўрланган, сизот сувлари сатҳи икки уч метр, тақирсимон тупроқлари шароитида ғўзанинг ўрта толали Бухоро-102 навини парваришlash натижасида дарё сувларини ўн фоизгача иқтисод қилиниб, пировардида фермер хўжаликларида рентабеллик даражаси ўн беш йигирма фоизга ошганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Қашқадарё вилоятининг қадимдан суғориладиган тақирсимон тупроқлари шароитида ғўзанинг “Бухоро-102” навини турли даражада шўрланган ерларда маъдан ўғитлар меъёрини табақалаштириб озиқлантиришни жорий қилиш бўйича тадқиқот натижалари асосида:

пахтачиликка ихтисослашган фермер хўжаликлари учун “Турли даражада шўрланган тупроқларда “Бухоро-102” ғўза навини етиштириш агротехнологияси самарадорлигини ишлаб чиқиш (Қашқадарё вилояти мисолида)” бўйича тавсиялар тасдиқланган (Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2019 йил 20 сентябрдаги 02/020-2456-сон маълумотномаси). Мазкур тавсиянома Қашқадарё вилояти шароитида кўп тармоқли фермер хўжаликларида ғўзани турли даражада шўрланган тупроқларида маъдан ўғитлар меъёрини қўллашда қўлланма сифатида хизмат қилмоқда;

Қашқадарё вилоятининг қадимдан суғориладиган тақирсимон тупроқлари шароитида ғўзанинг Бухоро-102 навини парваришlashда шўрланмаган далага 1000 м³/га сув меъёри билан сув бериш, кучсиз шўрланган далада 3000 м³/га сув билан 1 марта, ўрта шўрланган далада 4130 м³/га сув билан 2 марта шўри ювилиб, тупроқ намлиги чекланган дала нам сифимига нисбатан 70-70-60% тартибда суғориш агротадбирлари жорий этилган (Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2019 йил 20 сентябрдаги 02/020-2456-сон маълумотномаси). Натижада, ғўзанинг “Бухоро-102” навидан барча шўрланиш даражаларида юқори ҳосил олишга ҳамда суғориш сувларини тежашга эришилган;

Қашқадарё вилоятининг қадимдан суғориладиган тақирсимон тупроқлари шароитида ғўзанинг “Бухоро-102” навидан юқори ва сифатли пахта ҳосили олиш учун шўрланган тупроқларни мақбул шўр ювиш меъёрларда ва муддатларда ўтказиш агротадбирлари Қашқадарё вилоятининг Касби туманидаги “Суннатов Шахриёр”, “Курбонов Илхом Исматиллаевич” фермер хўжаликларида 150 гектар майдонга жорий этилган (Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2019 йил 20 сентябрдаги 02/020-2456-сонли маълумотномаси). Натижада маъдан ўғитлар миқдори тежалган, иқтисодий самарадорлик кўрсаткичи ошган, рентабеллик даражаси 15–20 фоизни ташкил этган ва гектарида 2,5 центнергача қўшимча пахта ҳосил олишга эришилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Дала тажрибалари ҚҲООТИИЧМ, ПСУЕАИТИ ва Қарши муҳандислик-иқтисодиёт институти томонидан тузилган махсус апробация комиссияси томонидан ижобий баҳоланган, ҳисоботлар ҚарМИИнинг илмий ва услубий кенгашларида муҳокама қилинган. Диссертация ишининг асосий илмий натижалари

республика ва халқаро илмий-амалий анжуманларида 6 марта маъруза қилинган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича жами 21 та илмий иш чоп этилган ва 1 та тавсиянома, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этишга тавсия этилган илмий нашрларда 10 та мақола, 9 таси республика ва 1 таси хорижий журналларда чоп этилган.

Диссертациянинг ҳажми ва тузилиши. Диссертация таркиби кириш, бешта боб, хулосалар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 120 саҳифани ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурияти асосланган. Тадқиқотнинг мақсади, вазифалари ҳамда объект ва предметлари тавсифланган, Ўзбекистон Республикаси фан ва технологияси тараққиётининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, тадқиқотнинг усуллари, тадқиқотнинг илмий янгилиги, тадқиқот натижаларининг ишончлилиги, олинган натижаларнинг назарий ва амалий аҳамияти, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий қилинганлиги, апробацияда ижобий баҳоланганлиги, нашр этилган ишлар ва диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Ёўзани шўрланган ерларда парваришлашдаги ўрни, ёўзани суғориш ва озиклантириш тартиби, ёўзани суғориш технологиялари бўйича олиб борилган маҳаллий ва хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи”** деб номланган биринчи бобида мавзу бўйича олиб борилган тадқиқотлар натижалари, хорижий ва маҳаллий адабиётлар шарҳи батафсил ёритилган. Шу билан бир қаторда, илмий манбалардан хулосалар қилиниб, тадқиқотлар олдига қўйилган мақсад ва вазифалар, республикамиз ҳамда дунёда сув ресурслари ва улардан самарали фойдаланиш, сувнинг ўсимлик ҳаётидаги ўрни, мамлакатимиз қишлоқ хўжалигидаги асосий экинлардан бири бўлган ёўзанинг илмий асосланган суғориш тартиби ва уни амалга оширадиган суғориш техника ва технология, дарё сувларини тежаши, тупроқнинг сув-физик хоссалари ва озуқа тартибларига ҳамда ёўза навларининг ўсиши, ривожланиши ва ҳосилдорлигига таъсири бўйича олимлар томонидан олиб борилган тадқиқот натижалари таҳлил қилинган. Адабиётлар шарҳининг сўнгги саҳифасида тақирсимон тупроқлари шароитида ёўзанинг “Бухоро-102” навини турли даражада шўрланган тупроқларда маъдан ўғитлар самарадорлигини ўрганиш бўйича илмий изланишлар олиб бориш зарурлиги таъкидланган.

Диссертациянинг **“Тадқиқот ўтказиш шароити ва услублари”** деб номланган иккинчи бобида тажриба ўтказилган Қашқадарё вилоятининг географик ўрни, рельефи, иқлим шароити, геоморфологик, геологик ва

гидрогеологик шароитлари, тупроқ-мелиоратив ҳолати шароитларида суғориладиган ер майдонларининг тупроқлари тақирсимон тупроқлар минтақасининг лёссли ва пролювиал ётқизикларидан ташкил топган текисликлари геоморфологик районида тарқалиб, турли литологик, гидрогеологик ва тупроқ-иқлим шароитларида ривожланганлиги бўйича таҳлиллари келтирилган.

Тадқиқот ўтказиш услублари, тажриба тизими, тажрибада қўлланилган агротехник тадбирлар ҳамда ғўзанинг ўрта толали “Бухоро-102” навини биологик тавсифи бўйича маълумотлар берилган.

Қашқадарё вилояти Касби тумани Ш.Рашидов ММТП худудидаги “Суннатов Шаҳриёр”, “Курбонов Илхом Исматиллаевич” фермер хўжаликлари далаларидан тупроқ намуналари олиб ўтказилган таҳлилларда, тақирсимон, механик таркиби енгил кумоқ, сизот сувлари сатҳи 2,0-3,0 м чуқурликда жойлашганлиги, ҳайдов (0-30 см) қатламдаги гумус миқдори-0,988%, умумий азот-0,074%, фосфор-0,099%, 30-50 см ли қатламда эса гумус-0,785, умумий азот-0,059 ва фосфор-0,084 фоизни ташкил этганлиги аниқланган.

Ҳайдов ва ҳайдов ости қатламларидаги нитратли азот миқдори 1 кг тупроқда 1,46-3,74 мг, ҳаракатчан фосфор 17,43-23,35 ва алмашинувчан калий 190-210 мг/кг ни ташкил қилган. Демак, тажриба даласининг ҳайдов қатлами ҳаракатчан шаклдаги азот билан жуда кам таъминланган, ҳаракатчан фосфор ҳамда алмашинувчи калий билан ўртача даражада таъминланганлиги аниқланган.

Тажриба 9 та вариант, 3 та такрорланишда, ҳар бир вариант майдони 240 м², жами ҳисобли ер майдони 6480 м², ни ташкил этган. Тадқиқотларда ўрта толали ғўзанинг “Бухоро-102” нави экилган бўлиб, суғориш олди тупроқ намлиги ЧДНСга нисбатан 70-70-60 % тартибда олиб борилиб, тажрибада фенологик кузатувлар, тупроқ ва ўсимлик намуналарини олиш Пахта селекцияси, уруғчилиги ва етиштириш агротехнологиялари илмий-тадқиқот институтида қабул қилинган “Методы проведения опытов с хлопчатником” (Ташкент, 1983), агрохимёвий хоссаларини таҳлил қилиш “Методы агрохимических анализов почв и растений” (Ташкент, 1977), тупроқнинг агрофизикавий хоссаларини таҳлил қилиш “Методы агрофизических исследований” (Ташкент, 1973), “Дала тажрибаларини ўтказиш услублари” (Тошкент, 2007) қўлланмалари асосида олиб борилган. Агрохимёвий таҳлилларни олиб боришда тажриба даласида конверт шаклида 1-1,5 метргача тупроқ кесмалари (разрез) қазилиб, генетик қатламлардан тупроқ намуналари олинганлиги ва тупроқдаги гумус миқдори И.В.Тюрин, азот ва фосфорнинг умумий миқдорлари А.Ф.Гриценко, И.М.Мальцева ўзгартириши билан, нитратли азот миқдори Грандвальд-Ляжу, ҳаракатчан фосфор миқдори Б.П.Мачигин усулида, тупроқнинг ҳажм массаси (С.Н.Рыжов) цилиндр усулида, механик таркиби И.В.Саввинов усулида амалга оширилганлиги келтирилган.

Диссертациянинг **“Тажриба даласи тупроқларининг агрохимёвий, агрофизик ва мелиоратив кўрсаткичлари”** деб номланган учинчи бобида

тажриба даласи тупроғининг морфологик тавсифи, механик таркиби, агрохимёвий ва агрофизик тавсифи, уч йил давомида ғўзанинг ўрта толали “Бухоро-102” навида олиб борилган тадқиқотларда турли даражада шўрланган тупроқ намлиги, мавсумий сув меъёри, сизот сувлари сатҳи, тупроқдаги озуқа моддалар миқдори, кўчат қалинлиги бўйича маълумотлар келтирилиб, шу билан бирга ғўзанинг ўсиб-ривожланиши, ҳосилдорлиги, пахта толасининг сифат кўрсаткичларининг ортишига олиб келувчи самарали сувтежамкор технологияси эканлиги исботланган.

Тажриба даласи тупроғининг чекланган дала нам сифими 0–50 см қатламда тупроқнинг мутлоқ қуруқ массасига нисбатан 21,3–21,9 %, 0–70 см қатламда 21,6–22,4 % ни ва тупроқнинг 0–100 см қатламида 22,0–22,8 % ни ташкил этди.

Тажриба даласининг ҳажм массаси тажриба қўйишдан олдин ҳамда амал даврининг охирида барча вариантларда аниқланган.

Тажрибанинг амал даври бошида тупроқдаги агрофизик кузатиш натижаларининг кўрсатишича, 2010 йилда даланинг шўрланмаган қисмида тупроқнинг 0–30 см қатламида ҳажм оғирлиги 1,30 г/см³ га, 30–50 см да 1,40 г/см³ га, 0–50 см да эса 1,34 г/см³ га ташкил қилган.

Амал даврининг охирига келиб, агротехник тадбирларни ўтказилиши натижасида тупроқнинг ҳажм оғирлигини ошганлиги даланинг шўрланмаган қисмида тупроқнинг 0–30 см қатламида ҳажм оғирлиги 2010 йил 1,34 г/см³ ни, 30–50 см да 1,42 г/см³ га, 0–50 см да эса 1,37 г/см³ ни, 2011 йил 1,37; 1,43; 1,39 ва 2012 йил 1,38; 1,43; 1,40 г/см³ ни, кучсиз шўрланган далада шунга мувофиқ ҳолда 2010 йил 1,36; 1,43; 1,39, 2011 йил 1,39; 1,44; 1,41 ва 2012 йил 1,40; 1,44; 1,42 г/см³ ни, ўртача шўрланган далада эса 2010 йил 1,38; 1,44; 1,40, 2011 йил 1,40; 1,45; 1,42, 2012 йил 1,41; 1,45 ва 1,42 г/см³ ни ташкил қилди ва тажрибанинг кейинги йиллари ҳам ушбу қонуниятлар сақланиб қолган.

Шўрланмаган далада тупроқнинг сув ўтказувчанлиги 6 соат мобайнида 2010 йил-800 м³/га, 2011 йил-730,0 м³/га, 2012 йил-690 м³/га, кучсиз шўрланган далада шунга мувофиқ ҳолда 2010 йил-750 м³/га, 2011 йил-640,0 м³/га, 2012 йил-630,0 м³/га, ўртача шўрланган далада эса 2010 йил-710 м³/га, 2011 йил-610,0 м³/га, 2012 йил-580 м³/га, га тўғри келди.

Тажриба жойлаштирилган шўрланмаган далада 2010 йил амал даври бошида ялпи азот миқдори 0–30 см да 0,076 % ни, 30–50 см да 0,063 % ни, 0–50 см да 0,070 % ни, 2011 йилда юқоридагиларга мувофиқ ҳолда 0,074; 0,041; 0,061, 2012 йил-0,110; 0,101; 0,106, фосфор тегишлича-2010 йил-0,216; 0,208; 0,212 ва 2011 йил-0,150; 0,138; 0,145 ва 2012 йил-0,216; 0,200; 0,209 % ни, чиринди (гумус) 2010 йил-0,945; 0,857; 0,909, 2011 йил-1,154; 0,828; 1,024, 2012 йил-1,116; 0,916; 1,030 % ни ташкил қилди.

Кучсиз шўрланган далада 2010 йил амал даври бошида ялпи азот миқдори 0–30 см да 0,074 % ни, 30–50 см да 0,071 % ни, 0–50 см да 0,072 % ни, 2011 йил юқоридагиларга мос ҳолда 0,063; 0,039; 0,053, 2012 йил-0,094; 0,079; 0,080 % ни, фосфор тегишлича 2010 йил-0,224; 0,208; 0,217, 2011 йил-0,158; 0,144; 0,152, 2012 йил-0,094; 0,079; 0,080 % ни, чиринди (гумус) 2010 йил-0,945; 0,770;

0,875, 2011 йил-1,116; 0,770; 0,978, 2012 йил-0,857; 0,682; 0,787 % ни ташкил қилган бўлса, ўртача шўрланган далада 2010 йилда амал даври бошида ялпи азот миқдори 0-30 см да 0,046 % га, 30-50 см да 0,047 % га, 0-50 см да 0,045, юқоридагиларга мос ҳолда 2011 йил-0,063; 0,039; 0,053 ва 2012 йил-0,058; 0,051; 0,055 % га, фосфор тегишлича 2010 йил-0,208; 0,224; 0,223, 2011 йил-0,164; 0,138; 0,154, 2012 йил-0,200; 0,144; 0,177 % га, чиринди (гумус) 2010 йил-0,828; 0,711; 0,731, 2011 йил-1,116; 0,711; 0,954, 2012 йил-0,799; 0,682; 0,752 % га тенг бўлганлиги аниқланди.

Шўрланмаган далада 2010 йил амал даври бошида ҳаракатчан озика моддалардан нитратли азот миқдори 0-30 см да 2,40 мг/кг га, 30-50 см да 1,80 мг/кг га, 0-50 см да 2,16 мг/кг, 2011 йил-0,82; 0,70; 0,77, 2012 йил-4,02; 3,42; 3,78 мг/кг га, фосфор тегишлича-2010 йил-8,7; 4,5; 7,0, 2011 йил-4,7; 0; 2,82, 2012 йил-28,1; 11,6; 21,5 мг/кг га, калий 2010 йил- 240; 240; 240, 2011 йил-160; 120; 144, 2012 йил-160; 140; 152 мг/кг га тенг бўлди.

Кучсиз шўрланган далада 2010 йил амал даври бошида ҳаракатчан озика унсурлардан нитратли азот миқдори 0-30 см да 5,95 мг/кг га, 30-50 см да 2,40 мг/кг га, 0-50 см да 4,53 мг/кг, 2011 йил-2,60; 0,70; 1,84, 2012 йил-4,22; 3,82; 4,06 мг/кг га, фосфор тегишлича 2010 йил-6,6; 4,5; 5,7, 2011 йил-4,0; 2,5; 3,4, 2012 йил-4,7; 0; 2,8 мг/кг га, калий 2010 йил- 180; 180; 180, 2011 йил-160; 140; 152, 2012 йил-140; 120; 132 мг/кг га тенг бўлди.

Ўртача шўрланган далада 2010 йил амал даври бошида ҳаракатчан озика унсурлардан нитратли азот миқдори 0-30 см да 7,32 мг/кг ни, 30-50 см да 1,22 мг/кг га, 0-50 см да 5,18, мг/кг, 2011 йил-3,22; 0,82; 2,26, 2012 йил-4,42; 3,02; 3,86 мг/кг ни, фосфор тегишлича 2010 йил-7,82; 1,22; 5,18, 2011 йил-3,7; 2,2; 3,1, 2012 йил-15,0; 12,2; 13,8 мг/кг ни, калий 2010 йил-200; 200; 200, 2011 йил-180; 140; 164, 2012 йил-140; 120; 132 мг/кг ни ташкил қилганлиги кузатилди.

2010 йилда амал даври бошида шўрланмаган далада тузларнинг миқдори аниқланганда, 0-70 см қатламда курук қолдиқ миқдори 0,227 %, хлор иони-0,015 %, сульфат эса 0,105 % ни, 0-100 см ли қатламда юқоридаги тартибга кўра 0,248; 0,016; 0,105 % ни, 0-200 см ли қатламда эса 0,242; 0,017 ва 0,123 % ни, юқоридагиларга мос ҳолда 2011 йилда 0-70 см да 0,187; 0,012; 0,067 % ни, 0-100 см да 0,188; 0,013; 0,067 % ни ва 0-200 см да 0,202; 0,016; 0,086 % ни ташкил қилди.

Кучсиз шўрланган далада 2010 йил зарарли тузларнинг миқдори 0-70 см да курук қолдиқ миқдори 0,370, хлор иони-0,035 %, сульфат эса 0,163 % га, 0-100 см ли қатламда юқоридаги тартибга кўра 0,324; 0,037; 0,144 % га, 0-200 см ли қатламда эса 0,318; 0,033 ва 0,141 % ни, 2011 йилда 0-70 см да 0,192; 0,018; 0,070 % ни, 0-100 см да 0,216; 0,020; 0,073 % ни ва 0-200 см да 0,250; 0,024; 0,101 % га тўғри келди.

Ўртача шўрланган далада 2010 йил зарарли тузларнинг миқдори 0-70 см да курук қолдиқ миқдори 0,528, хлор иони-0,057 %, сульфат эса 0,292 % ни, 0-100 см да юқоридаги тартибга кўра 0,493; 0,065; 0,253 % ни, 0-200 см ли қатламда эса 0,481; 0,077 ва 0,230 % ни, 2011 йилда 0-70 см да 0,223; 0,038; 0,086 % ни, 0-100 см да 0,222; 0,047; 0,090 % ни ва 0-200 см да 0,260; 0,065; 0,127 % ташкил қилди.

Ѓўзанинг “Бухоро-102” навини ўсув даврида сизот сувлари сатҳи 1,5-2,0 метр атрофида жойлашган шўрланмаган тажриба даласи 2010 йилда 3 марта 0-2-1 тизимида суғорилиб, суғориш сувлари оралиғи 24 кунни, ўсув даври бўйича умумий суғориш сарфи 3400 м³/га ташкил қилди. 2011 йилда 4 марта 0-3-1 тизимида суғорилиб, суғориш сувлари оралиғи 20-25 кунни, ўсув даври бўйича умумий суғориш сарфи 4050 м³/га ташкил қилди. 2012 йилда 3 марта 0-2-1 тизимида суғорилиб, суғориш сувлари оралиғи 27 кунни, ўсув даври бўйича умумий суғориш сарфи 3200 м³/га тўғри келди. Барча шароитлар бир хил, аммо ер ости сизот сувларининг жойлашиш чуқурлиги паст бўлган (2,5-3,0 метр атрофида) кучсиз шўрланган даласи ғўзанинг ўсиш, ривожланиш ҳолатига қараб, 2010 йилда 4 марта 1-2-1 тизимда суғорилиб, суғориш сувлари оралиғи 25-26 кунни, амал даври давомида 4000 м³/га ташкил қилди. 2011 йилда 4 марта 1-2-1 тизимда суғорилиб, суғориш сувлари оралиғи 24-26 кунни, амал даври давомида 4250 м³/га ташкил қилди. 2012 йилда 3 марта 0-2-1 тизимда суғорилиб, суғориш сувлари оралиғи 25-30 кунни, амал даври давомида 3650 м³/га ташкил қилиб, умумий сув сарфлаш лозим бўлган бўлса, ер ости сизот сувларининг жойлашиш чуқурлиги паст бўлган (2,5-3,0 метр атрофида) ўртача шўрланган даласи ғўзанинг ўсиш, ривожланиш ҳолатига қараб, 2010 йилда 4 марта 1-2-1 тизимда суғорилиб, суғориш сувлари оралиғи 21-26 кунни, амал даври давомида гектарига 4250 м³/га ташкил қилди. 2011 йилда 4 марта 1-2-1 тизимда суғорилиб, суғориш сувлари оралиғи 18-23 кунни, амал даври давомида 4350 м³/га ташкил қилди. 2012 йилда 3 марта 0-2-1 тизимда суғорилиб, суғориш сувлари оралиғи 25-30 кунни, амал даври давомида 3650 м³/га умумий суғориш суви сарфланганлиги аниқланди.

Диссертациянинг **“Турли даражада шўрланган тупроқларда ғўзанинг ўсиши, ривожланиши, ҳосилдорлиги ва сув тежаш кўрсаткичлари”** деб номланган тўртинчи бобида ғўзанинг ўсиш ривожланиш ҳолатлари таҳлил қилинганда, 2010 йилда шўрланмаган далада, ўсув даври давомида гектарига маъдан ўғитлардан N-160, P-100, K-70 кг берилганда I.VII да бош поя баландлиги 67,6 см, I.VIII-да 99,0 см, I.IX-да 99,7 см ни, ҳосил шохлари юқоридагиларга мос ҳолда 6,6; 12,8; 14,7 донани, кўсаклар сони 8,9, 14,0 дона, шундан очилган кўсаклар сони 3,8 донани ташкил қилди. Шу далада ўсув даврида гектарига N-190, P-130, K-90 кг берилганда юқоридагиларга мувофиқ ҳолда ғўзанинг бўйи 73,1; 100,3; 102,1 см га, ҳосил шохлари 6,9; 14,6; 15,3 донага, кўсаклар сони 9,7; 14,9, шу жумладан очилган кўсаклар сони 3,0 донага ва гектарига N-220, P-160, K-110 кг берилганда бош поя баландлиги 78,4; 102,7; 103,9 см га, ҳосил шохлари сони 7,3; 15,2; 16,0 донага, кўсаклар сони тегишлича 10,1; 15,3 ва очилгани 2,5 донага тенг бўлди, юқоридагиларга мос ҳолда 2011 йил ўсув даври давомида гектарига маъдан ўғитлардан N-160, P-100, K-70 кг берилганда 47,4; 73,4; 74,8 см, ҳосил шоҳи 7,5; 12,2; 13,2 дона, кўсаклар сони 7,9; 13,2 дона, шундан очилган 6,0 донани, шунга мос ҳолда гектарига N-190, P-130, K-90 кг берилганда 47,7; 76,9; 77,2 см, 7,7; 12,6; 13,9 дона, 8,9; 14,3 дона ва 5,1 дона, гектарига N-220, P-160, K-110 кг берилганда 47,9; 78,9; 79,9 см, 7,9; 12,2; 13,8 дона, 8,5; 14,4 ва 3,7 донани ташкил қилган бўлса, кучсиз шўрланган далада 2010 йилда энг кам ўғит меъёри берилганда (N-160, P-100, K-

70 кг) бош поя баландлиги 65,9; 95,0; 95,9 см га, ҳосил шохлари 5,7; 12,4; 14,1 донага, кўсақлар сони 8,2; 13,6, шундан очилган кўсақлар сони 4,0 донага тенг бўлди. Юқори ўғит меъёри (N-220, P-160, K-110 кг) билан озиклантирилганда бош поя баландлиги 68,7; 100,2; 101,8 см ни, ҳосил шохлари 6,9; 15,0; 15,6 донани, кўсақлари сони 9,5; 14,9 ва очилган кўсақлар сони 3,0 донани ташкил қилди. Гектарига N-190, P-130, K-90 кг берилган вариантдаги ҳолат оралик ўринни эгаллади. 2011 йилда ўсув даври давомида гектарига маъдан ўғитлардан N-160, P-100, K-70 кг берилганда 46,2; 66,3; 69,4 см, ҳосил шоҳи 7,1; 11,4; 12,9 дона, кўсақлар сони 5,4; 12,2 дона, шундан очилган 6,9 донани, шунга мос ҳолда гектарига N-190, P-130, K-90 кг берилганда 46,3; 72,9; 74,2 см, 7,2; 12,0; 13,2 дона, 6,7; 13,0 дона ва 5,6 дона, гектарига N-220, P-160, K-110 кг берилганда 49,5; 74,6; 76,7 см, 7,4; 11,9; 13,1 дона, 6,9; 13,3 ва 4,1 донани ташкил этган.


Тупрокнинг шўрланиш даражаси ўртача шўрланган далада 2010 йил ўғит меъёри гектарига N-160, P-100, K-70 кг ташкил қилганда бош поя баландлиги тегишлича 56,6; 87,1; 90,0 см ни, ҳосил шохлари 5,2; 9,1; 12,9 донани, кўсақлар сони 6,1; 8,5, шундан очилган кўсақлар 4,3 донани ташкил қилди. Шундай шароитда гектарига N-220, P-160, K-110 кг билан озиклантирилганда поя баландлиги юқоридагига мувофиқ ҳолда 69,9; 90,4; 93,7 см га, ҳосил шохлари 6,0; 10,1; 13,9 донага, кўсақлар сони 7,4; 11,5 донага, шундан очилган кўсақлар 3,7 донага тенг бўлди. Шу майдонда маъдан ўғитлардан гектарига N-190, P-130, K-90 кг берилган вариантлар оралик ўринни эгаллади. 2011 йилда ўсув даври давомида гектарига маъдан ўғитлардан N-160, P-100, K-70 кг берилганда 38,4; 58,6; 64,8 см, ҳосил шоҳи 6,5; 10,8; 11,9 дона, кўсақлар сони 3,8; 8,3 дона, шундан очилган 7,5 донани, шунга мос ҳолда гектарига N-190, P-130, K-90 кг берилганда 42,9; 64,8; 70,0 см, 8,1; 11,3; 12,7 дона, 4,9; 10,7 дона ва 6,2 дона, гектарига N-220, P-160, K-110 кг берилганда 43,7; 66,1; 71,9 см, 8,0; 11,0; 12,5 дона, 4,7; 11,0 ва 5,1 донани ташкил этган.

Юқоридагилардан шуни эътироф этиш мумкинки, дала шароитидан катъий назар белгиланган ўғит меъёрларининг ошиб бориши ғўзанинг ўсиши ва ривожланишига ижобий таъсир қилиб, ғўза бўйининг юқори, ҳосил шохларини, кўсақлар сонини кўп бўлишига олиб келди.

Ҳар хил шўрланиш даражаларидаги ғўзанинг ҳолатлари таҳлил қилинганда, энг юқори ўсиш ва ривожланиш кўрсаткичлари шўрланмаган майдонда кузатилиб, энг паст даражадаги биометрик кўрсаткичлар ўртача шўрланган майдонларда кузатилди. Кучсиз шўрланган майдонлардаги ғўза ривожланиши оралик ўринни эгаллаганлиги кузатилди.

